

## Наврӯз байрамингиз билан, азиз юртодотлар!

Аввал Шарқдан баҳорий шаббода  
эсиб келади, бу – оламни  
безаш учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг кетиб, ерга  
ипор тўлади ва ҳаммаёқни арғувон –  
алвон ранг эгаллайди,  
чунки олам чиройли безанмакни истайди.  
... Япроғини тўккан дарахтлар яна яшил-  
кийинди, ол, сариқ, кўк, қизил ранг  
билан безанди.

(XI асрнике подир ёдномаси  
«Кутадгу билиг» асаридан.)

Ҳабиб Саъдулла

### НАВРҮЗ ҒАЗАЛИ

Ассалом, шонли элим,  
Бўлғай муборак наврӯзинг,  
Кўкда порлоқ офтобу  
Ерда нузли ол юзинг.  
Янги асру янги йилда  
Янги омаддан дарак,  
Хур заминда ниш уриб,  
Боғда гул очган ризқ-рӯзинг.  
Бош кўтармиш тоғда лола  
Уйғонибдир қир, адир,  
Мисли ғафлатдан кўз очган  
Онг, ғуруринг ҳам сўзинг.  
Ҳеч эрур қадри баҳорнинг  
Дил агар мудроқ эса,  
Уйғониб кўкламга шиддат  
Бахш этувчи сен ўзинг.  
Минг шукр, бўлмиш насиб  
Озод Ватан, эркин баҳор,  
Нузли истиқболга имон  
Бирла боқмишдир кўзинг.  
Мен баҳор кўркида кўргум  
Ўзбекистон эртасин,  
Унда бир хилда мунаввар  
Ҳам кечанг, ҳам кундузинг.  
Эй Ҳабиб, комил имоним  
Неча наврӯзлар ўтар,  
Тоабод ўчмас, элим,  
Манглайда толе юлдузинг.

### Моҳият

Бизгача яшаб ўтганларнинг меҳнати, кучи вужу-  
димизда яшайди. Бинобарин, келажак авлод ҳам  
ўз навбатида бизнинг меҳнатимиз, бизнинг билак  
кучимиз ва бизнинг ақлимиздан наф олиб яшасин.  
Шундагина биз ўз бурчимизни муносиб адо этган  
бўламиз.

Ж. ФАБР

Ушбу сонда

### МАЛТАДА ЎЗБЕК ДАСТУРХОНИ

“Ўзбек дастурхони” ушбу танловда биттадан олтин,  
кумуш ва бронза мукофотларига сазовор бўлди.

### ТАҲДИД

Америка ёзувчиси Майн Рид қаламига мансуб «Тақди-  
ри азал» романидан парча.

3

бет

8

бет

## «HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

## Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi  
prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent  
viloyati prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida»  
jurnali

## Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

## Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,  
Komiljon Ismoilov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov,  
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34

**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalarga  
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.  
Korxonada manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 2149  
Nusxasi — 27354

Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00

Bosmaxonaga  
topshirildi 10.00

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir**

**H. NISHONOV**

**Navbatchi N.MAHMUDOV**

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8



# Келди наврўзи ажойиб, сайри гулзор



## БАҲОР НЕЪМАТИ

Халқимизда байрамлар кўп, лекин негадир улар орасида биз Наврўзи кўпроқ интизор бўлиб кутамиз. Нега? Балки бу табиат ўз чиройини тўла очган паллага тўғри келганидандир, балки кишики сокинлик, қандайдир вазмин кайфиятимиз ўрнини баҳорий жўшқинлик, гўзаллик эгаллаганидандир. Балки... Келинг, мухлис, шу тўғрида бир мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Умар Хайём тузган астрономик жадвалга кўра осмон 12 буржга бўлинган бўлиб, Куёшнинг Хут буржидан Ҳамал буржига ўтиши ҳар йили 21 мартда кундуз соат 12 да содир бўлади. Худди шу сана НАВРЎЗ бошланганидан дарак беради.

Наврўз бир кунда ўтиб кетадиган байрам бўлмасдан, балки бир неча кун давом этадиган шодиёналар мажмуасидир. Чунки жойларда сумалак сайли, лола сайли ва бошқа маросимлар бир-бирига ўлашиб кетади.

Наврўз байрамга тайёргарлик анча олдин бошланиб, кўчалар, уйлар, хиёбонлар ҳашар қилиниб тозаланади, дарак ва гул кўчатлари экилади. Байрам кунлари турли кўклам таомлари пиширилади. Сумалак учун бугдой ундирилади. Маҳалла ва гузарларда, хонадонларда кўни-кўшнilar йиғилиб эрта тонггача ўйин-кулгилар билан дошқозонларда сумалак ва ҳалим пиширадилар. Бу оқибат, меҳр-муруват, маънавият рамзи ҳамдир. Бу кунга атаб аёлларимиз турли миллий пишириқлар тайёрлайдилар.

Сумалак сайли ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, озарбайжон ва эрон халқларидагина мавжуд. Сумалак тўйимчилиги билан бир қаторда шифобахшлиги туфайли ҳам қадрлидир. Мутахассисларнинг айтишларича, сумалакда шаккар моддаси, оксил ҳамда қатор табиий дармондорилар мавжуд экан. Таомнинг фойдалилигини ажодларимиз ҳаётий тажрибалари орқали кашф этган бўлсалар не ажаб. Чунки киши организмнинг қиш кунлари табиий кўкатларга, узоқ сақланмайдиган мевалардаги дармон-дориларга талаби катта бўлади. Сумалак дастлаб ана шу моддаларнинг ўрнини тўлдириб, инсон кайфиятини кўтарди, қувват бахш этади.

Хуллас, сумалак қадим-қадимдан байрам дастурхонига энг танисқ таом сифатида тортиб келинган.

НАВРЎЗА

Халқимизда кенжа ўғилга алоҳида муҳаббат билан қарашади. Оғзаки ижод дурдоналари — эртакларимизда улар акаларига нисбатан оқил ва ботир қилиб тасвирланиши шундан. Бу бежиз эмас экан. Бир фаранг психологининг



## БИЗНИНГ НАВРЎЗ

қичрича, кенжа фарзандларнинг интеллектуал ривожланган бўлишига сабаб: катта фарзандлар туғилганда ота-она ҳали ёш, оилавий муаммолари кўп, фарзанда бериши мумкин бўлган тарбиявий тажрибаси оз бўлади. Кенжа фарзанд туғилганда эса буларнинг акси. Менимча, бунда ёш асосий омил. Халқона қилиб айтганда, болаликда қувват оёқда, ёшлиқда белда, қариганда бошда бўлади.

Бунча даромадни сизга бир болани таништириш учун келтирдим. Оти - Наврўз. Самарқанд вилоятининг чекка бир қишлоғида яшайди. Эрол тоғининг кенжаси. Наврўз унинг учун қўшша байрам. Гапнинг ўрнидан сезган бўлсангиз керак: Наврўз Наврўзда туғилган.

“Ўнга кирдинг — сонга кирдинг” дегучи эди раҳматли момом. Энди еттига қираётган бўлса ҳам Наврўзнинг сонга кирганига

## ЎЎЎЎ ҚЎШИҚ

Янги кунда янги қўшиқ куйламоқчиман,  
Эшитганда эриб кетсин тоғларнинг қори.  
Қўшиғимга қалбим қўшиб куйламоқчиман,  
Садолари чертиб ўтсин юраклар торин.

Овозимга жўр бўлмай боғларда булбул,  
Тилин тишлаб, кимдир бу деб, ҳангу манг қолсин.  
Барларига тонгги шабнам иниб қолган гул,  
Қўшиғимдан хушбўй атир, ёрқин ранг олсин.

Қулоқ тутсин бир зум тўхтаб фалакда қуёш,  
Кечалари ой осмондан маҳлиё боқсин.  
Эриб кетсин қалблардаги музлар бебардош,  
Юлдузларнинг юрагини муҳаббат ёқсин.

Мен муаззам булоқлардек жўшиб куйласам,  
Оҳангига бош тебратиб тингласа олам,  
Вужудимга олов солган ишқдан сўйласам,  
Мен истаган киприкларга қалқирмикан нам...

Йўлдош ПАРДА



— Э-э, у мендан катта-ку. Мактабга борсам мен ҳам биламан.  
— Наврўз, отанг яхшими, энанг?  
— Икковиям.  
— Акаларингдан қайсини яхши кўрасан?  
— Ҳаммасини.

Менинг ҳам киштим келади:  
— Қайсини энг яхши кўрасан?  
— Раъйимни қайтаролмай, қулоғимга шивирлайди:  
— Бекзод акамни.  
— Шивир-шивир қиламиз:  
— Нимага?  
— Бекзод акам уришмайди...

Тўрт-беш оғиздан берилётган саволларга бир ўзи жавоб қайтариб чарчаб кетади-да, ўйинга овунади. Кетаётганда катталардай хайр-лашадилар:

— Бўпти, Ҳасан тоға, Ҳусан тоға, момо, яхши ўтирингизлар. Мен кетдим. Қидириб борингизлар. Қўрмай қолсам Ташкентга яхши борингизлар.

Кета-кета рўлдан бир қўлини олиб силжитиб қўяди... Уни ҳамма яхши кўриб қолади.

Бизнинг Наврўз ҳақида мана шулар.

Ҳасан КАРВОНЛИ

# айлангиз, Тўтию булбул сифат оҳанги дилдор айлангиз.

БОНУ

Хар бир халқ маданияти ўзининг турлича шаклларига эга бўлганидек, таом танавулидаги одатлари-ю, масаллиқни тайёрлаш ва уни пишириш услубларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Мана шу ўзига хослик миллий ошхоналарда ажойиб таомларнинг ижод этилишига ҳамда пазандачиликнинг бойишига сабаб бўлади.

Сухбатдошимиз Насиба Тўлаганова Олмалик шаҳрида турилган. Шаҳардаги 22-ўрта мактабни тамомлаган. Турмуш ўртоғи Фуломқодир Тўлаганов билан Азиза ва Комила исмли қизларини вога етказишмоқда.

Насиба пойтахтимиздаги "Шератон Тошкент" меҳмонхонасининг ошхонасидаги қўли гул пазандалардан бири. Яқинда у Малтада бўлиб ўтган дунё ошпазларининг нуфузли кўрик-танловида иштирок этиб қайтди.

дан олтин, қумуш ва бронза мукофотларга сазовор бўлди. Шахсан ўзим эса товукгўштидан тайёрланган таомим учун "Гран-при" совринига эга бўлдим.

Сафаримизнинг энг ҳаяжонли дақиқалари Малта президентининг қабули бўлди десам, янглишмайман. У киши ҳам ўзбек таомларини жуда юқори баҳолаб, давлатимиз мустақиллиги, унинг ривожланиб, кучга тўлиб бораётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

— "Наврўз таомлари" танлови

## ХОТИРА

Эрта тонг... Ҳаво очик... Кўкда фақат Зухро юлдузи чарақлайди.

Салим ота уч-тўрт тенгқур дўстлари билан бомдод номозини ўқиб уйига қайтар экан. Бокғўша муюлишида улар билан хайрлашди. Қишлоқ шу ердан бошланади. Полвонтош қирларидан бошланадиган ирмоқлар йиғилиб бир бўйра кенликда бўлганда ана шу жойларга етиб келади. Атрофда ҳеч ким кўринмайди. Осузда дам. Фақатгина каллаи сахарлаб бир-бирига навбат бермай қичқирадиган қишлоқ ҳўрозларининг авжи банд.

Паст-баланд паҳса деворлар билан ўралган Аҳмаднинг ҳовлисидаги от бугун бошқачароқ кишнаиди. Кўчанин унғ тарафига турна қатор қилиб экилган мажнунтоллар куртаклари ниш уриб, шилдираб оқаётган зилот сувга бош эгшиган...

Салим отанинғ сал кам етмиш йиллик умри шу қишлоқда ўтди. "Хизмат"га ҳам шу ердан кузатишиб, шу ерда кутиб олишган. Кейин колхозда ишлади. Ҳамгадир, раис бўлди. Ҳамон хўрмати жойида, ҳеч бир иш унинг маслаҳатисиз қилинмайди. Сувлар оқиб ўтиб, замона ўзгарди. Ён қишлоқларга ўхшаб, Сойбўйи қишлоғи ҳам замонавийлашиб борди. Ёнғ муҳими юртдан барака, халқдан меҳр-оқибат кўтарилмади. Хозирги ёшлар ҳам бошқача, ўқийман дейди. Яқши-да. Бир касбнинг бошини ушлаб қишлоққа қайтса юксалиши энгил бўлади. Мана Ҳалим дўхтир, Зухра муаллим... Нимаси ёмон? Ўзимиздан чиққан. Ҳамма хурсанд.

Чап қўлини белига қўйиб, ўнғ қўли билан ҳассасини аста дўққиллатиб келаётган Салим ота хаёлини ёшлиқдан "қиз" ўртоғи Шаҳодат бувининг ўртанча келини берган саломи бўлди. Салим ота ҳассасини чап қўлига кистириб, дуога қўл очди.

— Умрингдан барака топ, қизим, тарбия қилган ота-онанга раҳмат! Мендан қайнона бувингга салом айтиб қўй.

Салим ота йўлида давом этар экан, кўнгли тоғдек кўтарилиб, беихтиёр ўзича пичирлаб қўйди.

— Барака топкур, шаҳарлик бўлса ҳам қишлоқнинг ҳаётига ўрганди - қўйди. Ҳаммадан олдин эшик очиб, атрофини сўпуриб-сидиради, сув сепиб қўяди. Ҳарна қилса ҳам палаги тоза инсонларнинг фарзанди экан-да.

Салим ота димоғига девор ошиб гуллаб ётган мевали дарахт гуллари нафаси аралаш ажойиб онларни эслатувчи сумалак ҳиди урилди. Ажабо, қимнинг уйда пишяпти бу неъмат, ўйлади у. Ун қадам юрмай рўпарасида қўл қовуштириб турган Турсунбой "трактр"ни кўриб хайрон бўлди. — Ассалому алайкум, Салим ота, — деб икки қўлини узатди тракторчи. — Зап вақтида келдингиз-да. Энди сумалак устини ёпмоқчи бўлиб турган эдик. Бир фотиҳа беринг ёшларга.

— Ажойиб йигитсан-да, — қўшиб қўйди Салим ота. — Сен айтсану, мен қирмайманми? Асли отанг эсли одам эди. Раҳмат болам. Тўпроқ олсанг, олтин бўлсин.

Салим ота ҳовлига кириб дошқозон тепасидаги ўн чоғлик ҳамқишлоқларини кўрди. Кафтларини очиб, уларни дуо қилди. Шу вақт ёшлик йиллари эсига тушиб, бир хўрсиниб қўйди. Лекин буни атрофдагиларга сездирмади. Ушанда айни қирқиллама йигит эди. Қўни-қўшида сумалакка қозон осилса, ёшлар ният қилиб, тош, ёнғок кўтариб келишарди. Раҳматли Розияхон билан ҳам сумалак чечаси бирига бўлган, қарашиб баҳонаси розини айтган эди. Кейин турмуш қуришди. Бола-чакали, қўша-қўша набирали бўлишди. Умри қисқа экан, кенжасини уйлантиргач касалга чалинди.

Салим отанинғ хаёли кўчага чиққанда ҳам шу хотиралар билан банд эди. Энди отанинғ қадами секинлашган, боғи кайфиятдан асар ҳам қолмаганди. Бола-чакадан кутулиб, энди роҳат кўраман деганда... Салим ота огир бир хўрсиниб қўйди. Ушанга ҳам бу кўкламда ўн йил тўларкан.

Салим ота тол кўча муюлишидаги уйига эмас, кампирни ётган қишлоқ чеккасидаги қабристон томон юрди. Шу дамда умрининг ярмидан қўлини тинч-тотув ўтказган, фақат унга ширин хотиралар қолдириб кетган умр йўлдошига тиловат қилиб, бир пас ёнида тургиси келди.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ

## МАЛТАДА

— Насибохон, ошпазлик касбини танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Очиги, бу мутахассислик бўйича ҳеч қандай билим юртни тамомлаганман десам, кўпчилик ишонмайди. Аслида эса шундай.

Урта мактабни тугаллаб, Сотимхон мадрасасида "Қуръоншунослик" бўйича таҳсил олдим. Эски ўзбек ёзувини ўргандим. Шу йўналишда дарс ҳам бериб юрдим.

Турмушга чиққач, бирин-кетин икки қизим туғилди. Шу сабабдан қариб олти йил уй бекаси бўлишга тўғри келди. Худди ана шу давр пазандачилик сирларини ўрганишимга туртки бўлди десам, янглишмайман. Аслида аёл киши хаётини ошхонасиз тасаввур қилолмас керак. Мен эса хар бир таомга ижодкорлик билан ёндошишга ҳаракат қилдим. Шу орада инглиз тилидан сабоқ олдим. Бу эса келажакда менга қўл келди.

Қуларнинг бирида "Шератон Тошкент" меҳмонхонасига ишга олиш учун ошпазлар кўриги ўтказилаётганлигини эшитиб қолдим. Омадимни синаб кўригим келди. Таъкидлаш кераки, танловда иштирок этиш учун хоржий тилни мукамал билиш ҳам керак эди. Хуллас, менга омад кулиб боқди.

— Миллий таомлар деган ибора мавжуд. Сизнингча, ўзбек миллий таомларида миллий хусусиятлар қай даражада акс этади?

— Умуман олганда, хар қандай миллий пазандачиликнинг махсус хусусиятларини ифодалаб берувчи иккита асосий омил бўлади. Биринчиси, масаллиқнинг қандай хилларини ишла-тиш бўлса, иккинчиси таом тайёрлаш услубидир.

Ўзбек пазандачилигининг равнақига, менимча, диёримизнинг жаннат-мақолиги, юртимизда этиштирилаётган масаллиқларнинг сархиллиги сабаб бўлса керак.

Таом тайёрлашда ҳам, уни танавул этишда ҳам миллийлик ўзига хос аҳамиятга эга. Оддий гуруччи олайлик. Ундан япон, ҳинд, хитой ошпазлари ҳам таом тайёрлашади. Аммо ўзбек палови ҳеч қайсисига ўхшамас, бетакорлиги билан ажралаб туради. Еки ҳамирли таомларимизни олайлик. Манти, хоним, чучвара ҳеч бир халқнинг бошқа таомларига ўхшамайди.

Энди уни танавул этишдаги миллий ўзига хослик ҳақида. Паловни қўлда



кўпчилик бўлиб бир товоқдан ёйиш ўзбекларгагина хос одат. Бизда доим овқат танавул этишни ёйи катта киши бошлаб беради. Бу миллатимизга хос бўлган катталарга ҳурмат белгисидир.

Шу ўринда саволингизга тегишли бўлган бир қизиқ воқеани айтиб берсам. Яқинда дунё ошпазлари танлови ўтказилган Малта республикасида бўлди. Шу ерда алоҳида дастурхон ёзиб мезбонлик қилишимизга тўғри келиб қолди. Шунда ўзимизга хос бўлган чойни уч бор қайтариб, келинчақларимиздек тавозе билан узатиш одатимизни намойиш қилдик.

Очиги, айримлар хайратланиб, ҳатто шошиб қолишди. Қисқаси, ўзбек пазандачилиги ўзининг бетакорлиги, миллийлик билан уйғунлашиб кетганиги билан бошқа халқларникидан жуда катта фарқ қилишига яна бир бор амин бўлдим.

— Дарвоқе, Малта таассуротларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз?

— Энг аввал, ушбу нуфузли танловга йўлланма олиш учун Тошкентда саралаш синови ўтказилди. Унда мен ҳам иштирок этиб, 2-ўринни эгаллаб, катнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Ўзбекистондан 5 нафар ошпаз шундай бахта мяуссар бўлди. Яна шунинг ҳам айтиб ўтишим жоизки, ўзбекистонлик ошпазлар ушбу нуфузли танловда илк бор иштирок этдилар. Танловда 13 та давлатдан 500 га яқин ошпазлар ўз пазандачилик санъатларини намойиш этишди.

Танловнинг биринчи кунидеъ ўзбекистонлик ошпазлар дастурхони намойиш ўтказилишини эшитиб, ҳаяжонга тушдик. Аммо таомларимиз иштирокчилар, танлов ҳайати томонидан шу қадар хайрат билан кутиб олиндики, ҳаяжонларимиз бир зумда тарқаб кетди. Рост-да, ўзбек пазандачилиги кўпчилик учун янглик эди. Шунинг учун бўлса керак, аслида бир кун ажратилган бўлса-да, хайбат аъзоларининг илтимосларига қўра, уч кун давомида таомларимизни намойиш қилдик.

"Ўзбек дастурхони" ушбу танловда битта-

ўтказилса, қайси таомларни тавсия қилардингиз?

— Энг аввал, Наврўз дастурхонини сумалаксиз тасаввур этиб бўлмас керак. Агар шундай танлов ўтказилса, мен ўзимизнинг миллий таомларимиз билан Европа таомларини уйғунлаштирган ҳолда тайёрлаган бирор-бир таомим билан иштирок этган бўлардим.

— Устозларингиз?

— Боя айтганимдек, ошпазликка ўқимган бўлсам ҳам, бу борадаги билимларини "Шератон Тошкент" меҳмонхонасига келиб ривожлантирдим. Бу ерда аввал ошхона бош ошпази Рамеш Пореди, кейинчалик эса у кишининг ёрдამчиси Санжей Гомис ошпазлик санъатининг нозик қирраларини эгаллашмида менга жуда катта ёрдამ бердилар. Мен улардан бир умр миннатдорман.

— Байрам тилақларингиз?

— Бугун ўзбек халқини Наврўзи олам билан қизгин кутлайман. Юртимиз тинч осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз ҳаммиша тўкин бўлсин. Яна бир истагим, аёлларимиз пазандачиликда ҳаммиша изланишда бўлсинлар.

Сухбатдош: Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ

## НАВРЎЗ УДУМЛАРИ

Наврўз кўни эрталабданоқ тантана-ю маросимлар бошланиб кетади. Бир томонда қиз-жувонларнинг шўх лапарлари янграса, бир томонда кўпқари-ю полвонларнинг беллашуви томошбинларни ўзларига жалб қилади. Бир томонда момоларимиз юртимизга тинчлиги ёшларимизга камол тилаб сумалак қовласалар, яна бир томонда, дошқозонлардаги ҳалиму паловларнинг хушбўй иси дунёни тутади.

Наврўзнинг хосиятли удумларидан яна бири шуки, бу кўни фарзандлар ота-оналарини, яқинларини зиёрат қиладилар. Саховатли кишилар етим-есир, бева-бечоралар ҳолидан хабар оладилар, уларга ҳам байрам қувончини бахш этиш ниятида қўлларидан келганича совғалар улашадилар.

Бу кўни ҳамма шод-хуррамлик билан ўтказишга, бир-бирларининг кайфиятларини кўтаришга ҳаракат қилади. Чўнки Наврўз кўнини киши қандай ўтказса, йил давомида уни шу кайфият тарқ этмайди, деган тушунча бор халқ орасида.

МУАЗЗАМ тайёрлади



# ДАСТУР БОР, ТАДБИРЛАР ТАЙЁР...

Мамлакатимиз Президентни Ислам Каримов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқидан шундай деган эди: "Бугунги кунда бир оддий ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жaxon ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унинг-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб воёга етишишга боғлиқдир."

Юртбошимизнинг ушбу сўзларидан кўриниб турибдики, ёшлар тарбияси, ўсиб келаётган авлод ҳақида қайғуриш, бугун олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Мазрузада таъкидланганидек, ҳақиқатан ҳам мамлакатимизнинг, бошлаган эзгу ишларимизнинг эртанги тақдирини ёшлар қўлида. Ана шу нарсага ўзиб соғлом фикрловчи ҳар бир кишини ҳушёр торттиради, чуқур масъулиятни ҳис этишга ундайди. Негаки, давлатимизнинг бўлувчи ҳаёти, Ўзбекистоннинг жaxon ҳамжамиятидаги қиёфасини белгилаш бугун камол толаётган ёшлар қўлида экан, бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Сир эмас, ҳозирги кунда ёшлар ва воёга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари республикамизнинг айрим вилоятларида бирмунча кўпайган. Бунинг асосий сабаби, воёга етмаганлар билан ишлаш тадбирларининг яқин-яқингача ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ушбу йўналишда назоратнинг сусайтириб юборилганлигидир. Қисқа қилиб айтганда, бу борада зарур чора-тадбирларни белгилаш фурсати келганда.

Шу босидан, 2000 йил 11 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида"ги қарорини қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда ҳар хил норасмий диний оқимлар тарқиғига кириб қолиш ҳолларининг олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 2001-2005 йилларга йўналган тадбирлар дастури жорий этилди.

Дастур билан танишиш жараёнида шу нарсага амин бўлдимки, у ниятда кенг қамровлилиги, ёшлар ҳаётининг деярли барча қирраларини ўз ичига ол-



Фахриддин БЕГИМОВ,  
Навоий вилоят прокурорининг  
ҳуқуқ тарғиботи бўйича катта  
ёрдамчиси, 1-даражали юрист

ганлиги билан эътиборга моликдир. Энг муҳими, мазкур дастур тайёрлашни муносабати билан воёга етмаганлар, ёшлар билан ҳамкорликда ишлаш борасидаги тарқоқчилик чек қўйилган. Янада содир қилиб қилиб айтганда, дастурда ҳокимликлар ҳузуридаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияларидан тортиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла қўмиталари, меҳнат ва бандлик бўлиmlари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорликда қандай йўналишларда иш олиб боришлари аниқ, равшан ифодаб берилган.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Авваллари бирон-бир мактаб, ўқув юрти ёки ташкилот томонидан ёшлар фаолиятига бағишланган тадбир ўтказилмаган бўлса, у ерга ИИБ вакили, ҳокимликдан мутасадди раҳбар ҳамда "Камолот" жамғармаси ходими тақлиф этилар, минбарга келиб минбардан кетган "фаҳрий" иштирокчи ҳам ўзини тадбир ташкилотчилари қаторига қўшар ва бу ҳол унинг ҳисобот ҳақида қандай этиларди. Бундай кўзбўйамчиликларнинг қандай натижа бериши эса ҳеч кимга сир эмас.

Дастурнинг беш йил мuddатга мулкаланганлигининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, мазкур ҳужжат ниятда кенг қамровли, ҳилма-ҳил тадбирларни ўзида муҳтасамлаштирган. Иккинчидан эса, ёшлар ва воёга етмаганлар билан ишлаш бугун ёки эртанги вазифаси бўлиб қолмасдан, бу доимий давом этадиган жараёниги, тадбирларни босқичма-босқич, узвий фарзда амалга ошириш лозимлиги акс эттирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар, воёга етмаганлар билан ишлашда энди мукамал дастур бор. Бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи комиссия ишлаб турибди. Гап энди белгиланган вазифаларни амалга оширишда, масъулиятни ҳис этишда қолди. Уйлайманки, мамлакатимизнинг келажаги, ҳалқимизнинг эртанги тақдирини ҳузурида қайғурядиган ҳар бир инсон бу масаллага бурун ва масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашади.

Яхши ниятларимизни амалга оширишда ёшларнинг тарбияси, уларнинг билим олишлари, касб-хунари бўлишлари асосий омиллардан саналади. Шу босиш авлодга эътибор бугунги кунда янада кучайтирилмоқда. Замонавий лицей ҳамда коллежлар, хунар-техника билим юртлири очилмоқда. Аввалдан фаолият кўрсатиб келаётганлари эса янги жиҳозлар, ўқув ва ишлаб чиқариш қуроллари билан таъминланмоқда. Аммо ютуқлар билан бир қаторда таълим-тарбия ишида ҳам қатор муаммолар борлиги сезилиб қолмоқда. Айниқса, тарбияси оғир, ногирон, қаровчисини йўқотган болалар боғча ва мактабларида, "Меҳрибонлик уй"ларида ишни тўғри ташкил этишда хато-камчиликларга йўл қўйилмапти. Мухбиримиз Самарқанд шаҳар прокурори Олимжон ТОЖИБОЕВ билан бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан шаҳар прокуратураси томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳусусида сўхбатлашди.

— Олимжон Толипович, маълумки республикамизда воёга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий тарбияси масалаларига кейинги пайтларда эътибор янада кучайтирилди. Бу борада Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳар аҳолиси 386,4 минг кишидан иборат бўлиб, уларнинг 37 фоизи ёки 146 минг киши воёга етмаганлар ташкил қилади. Шаҳар ҳудудига жамми 186 та таълим муассасалари бўлиб, уларда 91708 тарбияланувчи ва ўқувчига 5996 та тарбиячи ва ўқитувчи билим ва тарбия бериб келмоқда.

Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг ижро қилиниши назорат тартибда текширилиб, ҳамда ҳудуддаги во-

да тузатишдан иборат. Давлат бюджетидан шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача тарбия муассасаларига, яъни ясли ва боғчалар тарбияланувчилари учун доимий равишда тегишли маблағ ажратиб келинган бўлса-да, халқ таълими бўлими раҳбарлари томонидан тегишли назорат ўрнатилмаганлиги сабабли мактабгача тарбия муассасалари бошлиқларининг айбани билан ажратилган мактабларга озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ олинмиб, болаларга берилмаган.

Кенг, ёруғ, ҳамма қўлайликларга эга бўлган биналарда таълим бериш, ўқиш доимо яхши қайфият, ишга ривож бериб келган. Аммо, акси бўлса-чи? Прокурорлик назорати даврида ҳодимларини ана шундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлишди.

Шаҳар халқ таълими бўлимига қараш-

— Прокурорлик назорати давомида мутахассислар вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 6-сонли "Меҳрибонлик уйи"да, 61- ва 126-сонли қар ва заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернатларида таълим-тарбия жараёнини атрофича ўрганиб чиқилар. Болаларнинг ўст-бушлари юнгиллигига қарама-қарсдан хоналар совуқ, касаллар сони кўп. Уларнинг соғлигини тиклаш, касалликка чалинмасликларини назорат қилиш учун дори-дармонлар йўқ. Меҳрибонлик уйи ва мактаб орасидаги масофа 5 км. Шу оралиқда болалар яёв бориб келишади. Текшириш жараёнида ушбу "Меҳрибонлик уйи"да транспорт йўлиги аниқланди.

Шунингдек, 61-сонли қар болалар махсус мактаб интернатиди 306-нафар ўқувчи таълим-тарбия олиб, муассасага вилоят тиббий комиссия хулосасига мувофиқ йўлланма асосида қабул қилинади. Текшириш вақтида ўқув биноси ва ётоқхона жуда совуқ эканлиги аниқланди. Тарбияланувчилар синф хоналарида палъто ва бош кийимларда ўтирибдилар. Ушбу интернатда қар болалар билан ишлашда овоз кучайтирадиган мосламалар ишлатилиши белгилаб қўйилган. Аммо ўрнатилган "Спектр" аппаратлари собиқ совет даврида олиб келинган бўлиб, ҳозирги кунда тез-тез ишдан чиқмоқда. Тарбияланувчилар билан сўхбатда шу нарса маълум бўлдики, уларга етарли озиқ-овқат маҳсулотлари берилмас экан. Ўқувчиларнинг дар-

## ЭЪТИБОРНИ БЎЛАЙЛИК ВА МЕҲРИБОН

ли мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида таъмирлаш ишларини яхши деб бўлмайди, гарчи таъмирлаш ишлари учун тегишли маблағлар ажратиб турилган бўлса-да, уларни етарли деб бўлмайди. Масалан, маблағ йўлиги туфайли 53-мактаб қурилиши тўхтаб қолган, 86-«Азиза» боғчаси ҳам таъмирланмасдан ёпиб қўйилган, 24-болалар боғчаси авария ҳолатига келиб қолганиги сабабли ундаги тарбияланувчилар бошқа боғчаларга кўчирилган.

Мактабларда жами 70 та махсус синфлар бўлиб, уларда 778 та турли хилдаги компьютерлар мавжуд. Мазкур компьютерларнинг Темирйўл тумани мактабларида 52 таси, Боғишмол туманида 34 таси ишламайди. Уларни тузатиш учун маблағ ажратилмаган. Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминлаш ҳам айтири яхши эмас. Айниқса, лотин ёзувидаги дарсликлар билан 2-6-синфларни таъминлаш жуда ёмон аҳволда. 8-синф учун физика, кимё, ботаника, зоология фанлари бўйича дарсликлар етишмайди. Ўтган йили мактаб кутубхоналари учун бир сўмлик ҳам бадий адабиётлар олинмаган. Шаҳар мактабларини педого кадрлар билан таъминлаш ҳам талаб даражасида деб бўлмайди.

— Олимжон Толипович, "Меҳрибонлик уйи"да тарбияланаётган шаҳар болаларга яратиб берилган шaroшлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

сдан ташқари мактаб ҳовлисида ўйин-ўйнаш учун шaroшлар яратилмаган. Спорт зали ва майдончалари йўқ. Ўқув хоналаридаги жиҳозлар талаб даражасида эмас. Энг ачинарлиси, ушбу 4 қаватли, 115 та тарбияланувчи ҳамда 50 кишидан иборат педого ҳодимлар яшаб келаётган бинада 1999 йил сентябр ойидан буён совуқ сув йўлиги аниқланди. Текшириш натижалари билан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ва шаҳар Халқ таълими бошлиғи номига айбдорларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласини кўриб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида 2 та тақдирнома киргизилди. 4 та интизомий жавобгарлик қўзғатилиб, вилоят халқ таълими бошлиғи номига юборилди.

Мақсадимиз тарбияланаётган ёш авлодга, ногирон болаларга, боқувчисини йўқотган кичкинтойларга меҳр-мураватли, эътиборли бўлишдан иборатдир.

— Самийи суҳбатингиз учун раҳмат. Ишонимиз, қўлба алоқалар камол топган, дунё халқларининг ноҳиқ тумани Самарқанддек шаҳри ашад соҳа бўйича бундай камчиликлар бартараф этилиб, келажакимиз бўлган ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилади, деган умиддамиз.

Сўхбатдош:  
Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА

## ЎСМИР ҲАЁТ ЧАРХПАЛАГИН ДАВОМЧИСИДИР

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишининг асосий тамойили жамиятда ижтимоий адолат, тенглик ва тинчликни таъминлаш, улар ўртасида кенгайдиган муносабатларнинг барқарор тизимини яратишдан иборатдир. Ана шундай улуғ мақсад сари интилаётган ҳар бир давлат фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор беради. Бирок жамият аъзолари ўзларининг ҳуқуқ, бурун ва мажбуриятларини ўқиб-ўрганмас экан, олиб борилаётган жараёнлардан қутилган натижага эришиш қийин кечади. Шундай экан, бугун у хоҳ мансабдор, хоҳ оддий деҳқон бўлсин ўзининг Конституциявий ҳуқуқларини бирдек билиши, ўрганиши, ҳимоя қилиши зарур.

Маълумки, ҳуқуқ нормаларига ҳурматсизларча муносабат қонунобузарликка, адолат тамойилларининг бузилишига, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади. Ҳуқуқий онгининг пастиги туйғайи воёга

етмаганлар орасида ҳам турли жиноятлар ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик, хатто одам ўлдириш каби ҳолатлар учраб турибди. Суд амалиётида маълум бўлишча, ўзгалар мулкани талон-тарож қилишда уюшган гуруҳларнинг ақсариятини воёга етмаганлар ташкил қилар экан.

Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 44,1 фоизини болалар, яъни 16 ёшгача бўлганлар ташкил этилади. Демак, республикамиз аҳолисининг деярли ярми воёга етмаганлардан иборат. Шундай экан, воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга эътибор янада кучайтирилиши тақоза этади.

Туманимизда ҳам ёшлар тарбиясига, уларнинг дунёқарашини бойитишга, она-юртга садоқат, меҳр-муваббат руҳида камол топиши борасида хайрли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим кам-

чиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Туманимизда ўтган йилда воёга етмаганлар томонидан 5 та ўғрилиқ содир этилган. Икки нафар воёга етмаган ўсмир томонидан эса 6 та жиноят содир этилган. Жумлаан, "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалигининг Малшояк қишлоғида яшовчи Х. Ражабов тенгдоши М. Шарипов билан жиноий тил бириктириб, ҳамқишлоғи И.Тўраевнинг бир бош қўқорини ўғирлаб кетганлар. Қилишлари фoш этилмаганлигидан далда олган ҳамтаовқлар кўп ўтмай Оқрабoт қишлоғида яшовчи С.Адиловнинг ҳовлисида 2 бош қўқорини, 2000 йил 8 апрель кун эса ҳамқишлоқлари И.Назаровнинг уйдан "ДЭУ" русумли видеомагнитофонни, 13 май кун эса шу қишлоғида яшовчи Ж.Андаевнинг уйдан яна бир бош қўқорини ўғирлашга муваффақ бўлганлар.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида туманимизда қатор тадбирлар ўтказиб келин-

Х. ҲАСАНОВ,  
Пешку туман прокурори,  
Б.САИДОВ, "Ҳуқуқ" мухбири

# «ОХАНГАРОНШИФЕР»

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти



Барча юрtdошларимизни  
НаВрўзи олам билан самимий  
муборақбод этади. Ўзбекистонимизда тинчлик  
Ва осойишталик барқарор бўлишини,  
ҳар бир хонадонга файзу барака,  
омонлик тилайди!



## «САНТЕХҚУЙМА»

очиқ турдаги  
акционерлик жамияти

*Ўзбекистон халқини умум-  
халқ байрами бўлмиш Наврўз  
айёми билан қизин қутлай-  
ди. Юрtdошларимизга соғлик-  
саломатлик, жонажон Ватани-  
мизнинг тараққиёти йўлидаги  
меҳнатларига  
зафарлар тилайди!*



# «ТАНЖБАЙЖАН»

**ЎЗБЕКИСТОН - ТУРКИЯ ҚЎШМА  
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЯШАРИШ, ГЎЗАЛЛИК  
БАЙРАМИ БЎЛМИШ НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН  
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ. ЎЗБЕК ХАЛҚИГА  
БАХТ-САОДАТ, БУЮК КЕЛАЖАК ҚУРИШ  
ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛАР  
ТИЛАЙДИ

**«ЛАЗЗАТ»**

**Байрамларда  
Сиз билан  
бирга!**



«Лаззат» қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси юртдошларимизни Наврўз байрам билан самимий қутлайди ва барча ишбилармонларга ўзаро манфаатли ҳамкорликда ишлаш имкониятини таклиф қилади.

Манзилимиз:  
Янгийўл шаҳри,  
Лаззат кўчаси, 1 - «а» уй.

Телефонлар:  
(8-37160) 2-69-10; 2-46-83.

Бу ажойиб баҳор кунларида  
Ўзбекистоннинг саҳоватли заминида

## Наврӯз байрами

кутиб олмоқдамиз.

Азиз ватандошлар!


Бу байрам билан Сизни чин дилдан

самимий табриқлаб,

барчангизга тинчлик-хотиржамлик,

баркамоллик

ва раванак тилаймиз!



**UZDUNROBITA**

DIYORIMIZ BO'YLAB BIZ BILAN cellular

ДЕТЕКТИВ

СПОРТ

ҚУТЛОВ



ТАҲРИР

Америка ёзувчиси Майн Риднинг «Тақдири азал» романидан парча

... Ўз ўглининг бармоғини кўрган генералнинг дахшатли ҳолатини сўз билан ифодалаб бўлмас эди. Унинг кўзлари худди ўз чаноғидан чикиб кетадигандек. У мутлоқ қарахат ҳолатда, юзининг учинчигина ҳали тирик-лигидан дарак бериб турарди. Бир неча дақиқадан сўнггина у ўзини кўлга олиб, посылкага кўшиб юборилган хатни ўқиди. Қиңғир-қийшиқ ҳарфлар билан битилган мактубнинг мазмуни қуйидагича эди:

«Жаноб, сиз бунда ўглингизнинг бармоғини кўрасиз, уни тузалиб битган яра изларидан таниб olasiz. Агарда иккилашиб пулни жўнатишдан бош тортсангиз, қўлини жўнатамиз. Ун кун ичида сизнинг жавобингизни ўттиз минг лира билан олмасак, кейинче почта билан ўглингизнинг қўлини бутунича olasiz. Шунда ҳам ҳамёнингизни очиниши лозим топмасангиз, биз сизнинг юрагингизни тошдан ва сиз пулни ўглингиздан ортиқ кўрасиз, дейишга мажбурмиз. Шунинг учун бизни қаттиққўлликда айбламасиз, бутун инсониятга уруш эълон қилишга мажбур этувчи ноҳақ қонунлар ёки ўз ҳаётини сақлаб қолиш, ёмиш топиш учун бошқалар ҳаётинга қасд қилувчи илтиқчилардек... Қисқаси, сиз пул жўнатишдан бош тортсангиз, ўглингизни насроний удумларига биноан дафн этишни вағда қиламиз. Фақат сизнинг инсон эмаслигингиз исботи тариқасида, кесилган бош жўнатилади. Бу сизни борди-қолди харажатларини тўлашдан озод этмайди.

Такрорлаймиз, бизнинг сўзларимизни илтиқачи таҳдид деб қабул қилманг, амин бўлинг, ўглингизнинг боши учун тўловни тўламасангиз у ўлимга ҳукм қилинади.

Агар пулни почта орқали жўнатсангиз Рим, Вольтурна кўчаси №9 жаноб Жақонига, чопар орқали ҳам ушбу манзилга.

Бизларни сотишни маслаҳат бермаймиз. Бундан ҳеч қандай наф бўлмайди.

А. Сапо (ўзим ва бошқалар номидан).

— Э, худо! Худойимей! — дея генерал хатни ўқишни тамомлади. Стол устида рад этиб бўлмас далил қотган қони билан ётарди. У бошқа иккиланмади. Генерал ўзининг қалтироқ кўллари билан кўнғирок ипини тортди.

— Ўғлим Нигелга етказинглар, тезлик билан етиб келсин, — деди кириб келган уй хизматчисига.

Генерал стол устига муаллақ эгилган ҳолда дахшатли жисмдан кўз узолмас, на уни кўлга олишга, на унга тегишга журъат этолмасди.

— Мени чақиртирдингизми, ота, — кириб оқ сўради Нигель.

— Ҳа, қарагин Нигель, танияпанми?

— Нимани танишим керак?.. Кесилган бармоқни кўраяман... У кимники, қанақасига сизга келиб қолди?

— Нигель, кимники дейсанми?! — генерал қалтироқ овозда гапирарди, — сен билишинг керак.

Бармоқни ундаги яра чандигидан таниган Нигелдан садо чикмасди, унинг ранги оқариб кетган эди.

— Сен ҳали ҳам танимаяпанми бунинг кимникилигини?

— Йўқ, қанақасига билишим мумкин?!

— Бошқаларга нисбатан сен... Бу сенинг уқангнинг бармоғи.

— Укамнинг?! — қичқирди Нигель, ўзини ҳайрон, ҳаяжонлангандай кўрсатиб.

— Ҳа... ушбу яра изига қара, ҳеч бўлмаса шуни эсларсан? Нигель ўзининг юзида ҳаяжон ва ҳайратни акс эттиришга уринди.

— Мен сени айбалаймаман, — деди генерал.

Абдулазиз ҲАСАНОВ таржимаси (Давоми бор.)



«ҚОРА ҚИТЪА»ДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Ўтган пайшанба куні FIFАнинг интернетдаги веб-сайтида 2010 йилги жаҳон чемпионати Африкада ўтказилиши ҳақида хабар пайдо бўлди. Аммо FIFАнинг коммуникацияси бўйича директори Кит Купер бу хабарни рад этди. Унинг фикрича FIFА раҳбарияти ҳақиқатдан ҳам мусобақа Африкада ўтказилиши тарафдори, бироқ июлдагина бу борада бир тўхтамаг қелинади.

Пайшанба кун кечга бориб эса FIFА барибир аввалги хабарини тасдиқлади. Яъни, нима бўлганда ҳам Жаҳон Чемпионати Африкада ўтказилади. Қитъада эса бунга энг асосий даъвогар — Жанубий Африка Республикаси.

«2000 йил августда FIFАнинг ижроя кўмитаси ва конгресс бундан кейин ЖЧ қайси мамлакатда ўтказилишини аниқлашда қитъалар алмашуви тамойилига риоя қилинишини келишиб олган эди», дейишади FIFА баёнотида.

«Бу қондага 2010 йилги ЖЧни ўтказиш ҳуқуқини Африка вакилига бериш билан риоя қилина бошлайди».

Бу қарор жума куні расман тасдиқланди. ЖАРда ЖЧни ўтказиш ташкили кўмитаси раҳбари Денни Йордаан Цюрхдан келган хушхабардан мамнун: «Нихоятда бахтиёрман. Энди биз бунга лойиқ эканлигимизни амалда исботлашимиз зарур».



Ачом-ачом...

Моҳият

Ёшлик — ажойиб: уни елга совириш жиноятдир.

Б. ШОУ

ТЕЛЕВИЗОР КЕЛИН

Австралиялик 42 ёшли Митчел Хелленнинг «Сони» фирмасида ишлаб чиқарилган телевизор билан... никоҳ маросими одатдаги маросимлардан деярли фарқ қилмади. Маросимда руҳонийлар, кўёвнинг яқин дўстлари иштирок этишди.

Одатдаги узук тақиш маросимида руҳоний иккилашиб қолмади. У узуклардан бирини телевизорнинг устига, иккинчисини кўёвнинг бармоғига тақиб, уларни эр-хотин деб эълон қилди.

Интерфаксининг хабар қилишича, кўёв ушбу никоҳни қуйидагича изоҳлаган.

Митчел бунгача икки марта уйлانган. Аммо ҳар иккала никоҳ ҳам омадсиз уялланган. Шундан кейин у ҳеч қачон аёл киши билан яшамасликка қарор қилган. Телевизор ҳақида эса у шундай дейди: «Менинг телевизорим ҳеч қачон мен билан уршмайди, тортишмайди, энг асосийи менга хиёнат қилмайди. Аксинча, у менга ҳузур бағишлаб, вақтинчи мазмуни ўтказиб, кайфиятимни кўтаради».

Бу сўزلардан сўнг уни тушунмасликнинг илоҳи йўқ, шекилли.

ЛАТИФАЛАР

Дўконда харидор сотувчидан сўрапти:

— Айтолмайсизми, дўкон мудири қаерда ўтирибди?

— Сиз унинг «ўтирган»лигини қаердан биласиз?

Полковник генералга кўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида ҳисобот бермоқда:

— ...қисмда айниқса тартиб интизом соҳасида улкан ютуқларга эришдик.

Шу пайт қия очик эшиқдан солдат бош суқди:

— Эй, қария, машинангни миниб кетаяпман, кўпми?

Полковник ҳайратда қолган генералга ўғирлиб деди:

— Мана кўрдингизми, бир йил олдин улар ҳатто сўраб ҳам ўтиришмасди.

Мотоцикл пойгаси ўтказилапти. Назоратчи ҳакам пистолетни отиши билан ҳамма пойгачилар шитоб билан олдинги интилишди. Фақатгина улардан биттаси жойида туради. Ҳакам ундан сўради:

— Сиз нега ҳайдамаяпсиз?

— Мотоциклинми филдирлагини ўқингиз тешиб ўтиб кетган бўлса қандай қилиб ҳайдай?!

Икки адвокат гаплашяпти:

— Ишни ютиб чиқдингми?


— Деярли.

— Нимага энди деярли?

— Гонорарни олдим, иш эса ҳали судда кўрилгани йўқ...

Тузувчи: Жавоҳир КОМИЛЖОНОВ

КРОССВОРД



Энига: 1. Империя. 3. Жанубий Осиёдаги давлат. 6. Ў.Усмонов асари. 8. Фарғонада чоп этиладиган газета. 11. Вилоят. 12. Яхшининг акси. 13. Асл, қимматбахо. 15. Овқат, емак. 19. Айёр, маккор. 21. Рухсат, изн. 22. Алоқа воситаси. 23. Ботир, мард, паҳлавон. 24. Сериал. 30. Мустаҳкам, қаттиқ. 31. Энг юқори, юксак. 32. Кичик зарра, химиявий элемент. 33. Таниқли суҳандон аёл (фамилияси). 36. Брокер. 37. Тожикистондаги шаҳар. 38. РЖТ даги телеюлдуз. 39. Ҳарбий термин.

Бўйига: 1. Мамлакатимиз худудидаги қадимий давлат. 2. Баҳо. 4. Сайёра. 5. Навоий ҳокимлик қилган шаҳар. 7. Ёқимсиз хид. 8. Пайғамбаримизнинг Маккадан Мадинага кўчиши. 9. Жаннат билан дўзах орасидаги водий. 10. Аллоҳга сиғиниш. 14. Мўҳим. 16. Мато. 17. Дўзахнинг бир номи. 18. Алваста. 20. Таъб. 23. Ажабтовур. 25. Эртак, афсона. 26. Ҳайвонот дунёси ҳақидаги фан. 27. Юнон афсонаси қаҳрамони. 28. Ажойиб. 29. Фонд, маблағ. 34. Байроқ. 35. У икки қўлдан чиқади.